

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2010 йил 27 августдаги 3 сонли қарорига
илова

Асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари
балансини тузиш бўйича услубий низом

Ушбу услубий низом давлат статистика органлари томонидан асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари балансини ишлаб чиқиш орқали товар бозорларида ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларнинг шаклланиши механизмини белгилайди.

“Ресурслар ва фойдаланиш» балансини тузиш товар бозорларидаги ҳолатлар ривожини жорий таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш, ички бозорда фойдаланишга мўлжалланган товар ресурсларини умумий ҳажмини ва айрим истеъмол товарлари турларини сотиш ҳажмини аниқлаш имконини беради.

1. Умумий қоидалар

1. Баланслар якуний истеъмолни ифодаловчи ресурслар ва ички истеъмол бозорини шаклланишида муҳим аҳамият касб этадиган ресурслар бўйича ишлаб чиқилади.

2. Балансда истемол товарлари ресурсларини шаклланиши ва фойдаланиши акс эттирилади. Ресурслар ҳисобот даври бошига қолдиқ товарлар ва ресурслар тушумидан шаклланади. Ресурслардан фойдаланиш ички ва ташқи бозорлардаги истеъмол ва ҳисобот даври охирига қолдиқ товарлар мавжудлиги бўйича кузатилади.

3. Асосий истеъмол товарлари балансини ишлаб чиқиш республика даражасида 1-иловада келтирилган тузилма бўйича натура ўлчов бирликларида (тонна, метр) амалга оширилади.

4. Асосий истеъмол товарлари баланси ҳар бир озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари турлари бўйича 2-иловада белгиланган рўйхат асосида ишлаб чиқилади.

Кўрсатилган рўйхат зарурият туғилганда, истеъмол тузилмасидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқилади.

2. Баланс бўлимларини шаклланиши

6. Баланслар чораклик ва йиллик асосда, давлат статистика ва идоравий ҳисоботлар, тармоқлараро баланс ҳамда иқтисодиётнинг норасмий сектори кузатуви маълумотлари асосида 3- ва 4-иловалардаги ҳисоблаш чизмасига мувофиқ шакллантирилади.

7. Баланс “Ресурслар” ва “Ресурслардан фойдаланиш” бўлимларидан иборат бўлиб, бунда айрим товар турлари бўйича ҳисоблаш усули ва ахборот таъминоти ажралиб турадиган хусусиятга эга.

8. “Ресурслар” бўлими истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва уларнинг ишлаб чиқариш истеъмоли, импортдан тушум, ишлаб чиқарувчилар, улгуржи ва чакана савдо корхоналаридаги ҳисобот даври бошига қолдиқларни қуйидаги бўлимлар бўйича ўз ичига олади:

а) “Ҳисобот даври бошига қолдиқ” улгуржи ва чакана савдо корхоналаридаги истеъмол товарларининг амалдаги қолдигини;

ишлаб чиқарувчиларнинг тайёр маҳсулотлари қолдигини;

б) “Ресурслар тушуми” ишлаб чиқарувчилардан келиб тушган маҳаллий товар ресурслари ва импорт истеъмол товарлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

“Ишлаб чиқариш” сатрида истеъмол товарларини товар турлари бўйича ишлаб чиқариш тўғрисидаги йиғма маълумотлар кўрсатилади;

“Импорт” сатри божхона статистикаси маълумотлари бўйича шаклланади.

9. “Ресурслардан фойдаланиш” бўлими истеъмол товарлари ресурсларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги (ишлаб чиқариш истеъмоли, ички бозорда сотиш, экспорт, ҳисобот даври охирига қолдиқ) маълумотларни ўз ичига олади:

а) Истеъмол товарлари ресурсларининг “Ички бозор истеъмоли” кўрсаткичи “Жами ресурслар” сатридан экспорт ҳажми ва ҳисобот даври охирига қолдиқни айириш ва “Аҳолига сотиш” ва “Ишлаб чиқариш истеъмоли”ни қўшиш йўли билан баланс усулида ҳисобланади:

истеъмол товарларини товар турлари бўйича ички бозорда сотиш маълумотлари “Аҳолига сотиш” сатрида кўрсатилади;

айрим товар турлари бўйича “Ишлаб чиқариш истеъмоли” ҳажми Тармоқлараро баланс маълумотидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш орқали аниқланади, бунда ушбу товар турининг ишлаб чиқариш истеъмолини улуши аниқланиб, товар ресурслари ҳажмига (ишлаб чиқариш қўшув импорт) кўпайтирилади;

б) “Экспорт” сатри божхона статистикаси маълумотлари асосида шаклланади;

в) “Ҳисобот даври охирига қолдиқ” сатри ишлаб чиқарувчилар, улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг ҳисобот даври охирига истеъмол товарлари захирасини акс эттиради:

“Улгуржи корхоналарда қолдиқ” ва “Чакана савдо корхоналарида қолдиқ” сатрларида улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг, овқатланиш корхоналарини қўшган ҳолда, маълумотларини ўз ичига олади;

“Саноатда қолдиқ” кўрсаткичи саноат корхоналарининг статистика ҳисоботлари асосида тўлдирилади.

3. Ички бозорда истеъмор товарларини сотишни қайта баҳолаш

10. Баланс жадвалида талаб ва таклиф миқдори тўғри келмаслиги мумкин ва бу номувофиқликни мавжуд бўлиши бозор иқтисодиётига хосдир. Баланс усули билан олинган ички бозордаги истеъмор товарлари истеъмоли тўғрисидаги маълумотлар “Аҳолига сотиш” маълумотлари билан солиштирилади ва номутаносиблик мавжуд бўлганда, истеъмор товарларини ҳар бир тури бўйича сотиш ҳажмини қайта баҳолаш коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K = P_b / P_f,$$

бунда, K – истеъмор товарларини сотиш ҳажмини қайта баҳолаш коэффициенти;

P_b – баланс усули билан олинган, аҳолига товарларни сотиш;

P_f – статистик кузатув асосида амалда сотилгани.

Балансда номутаносиблик аниқланганда, 5-иловадаги чизмага мувофиқ, республика ва ҳудудлар бўйича P_b и P_a ҳажмлари ўртасидаги ички бозордаги истеъмор товарлари ресурслари истеъмолини тўғрилаш амалга оширилади.

Агар $K > 1$ бўлса, мос равишда номутаносиблик аниқланган товар тури бўйича сотиш ҳажми кўпайиш томонга қайта баҳоланади.

Агар $K < 1$ бўлса, кичик тадбиркорлик ҳажмларини баҳолаш ва норасмий секторнинг қайта ҳисоблаш маълумотларини аниқлаш асосида тўғрилаш киритиш зарур.

4. Якуний қоидалар

11. Истеъмор товарлари балансини шакллантириш ҳамда сотиш тўғрисидаги маълумотларга тузатиш киритиш чораклик асосда ва йил учун амалга оширилади.

Истеъмор маҳсулотлари сотиш ҳажмига тузатиш киритиш республика миқёсида амалга оширилади ва кейинчалик ҳисоблаш натижалари ҳудудларга етказилади.

Асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат
истеъмол товарлари балансини тузиш
бўйича услубий низомга 1-илова

Баланс тузилиши

	Худудлар бўйича жами
1	3
I. РЕСУРСЛАР	
Ҳисобот даври бошига қолдиқ	
шу жумладан корхоналарда:	
улгуржи савдо	
чакана савдо	
саноат	
Ресурслар тушуми	
шу жумладан:	
ишлаб чиқариш	
импорт	
Жами ресурслар	
II. РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	
Ички бозор истеъмоли	
Аҳолига сотиш	
Ишлаб чиқариш истеъмоли	
Экспорт	
Ҳисобот даври охирига қолдиқ	
шу жумладан корхоналарда:	
улгуржи савдо	
чакана савдо	
саноат	

Асосий озиқ-овқат ва ноозик-овқат
истеъмол товарлари балансини тузиш
бўйича услубий низомга 2-илова

Баланс тузиш учун вакил истеъмол товарлари рўйхати

Озиқ-овқат товарлари
Гушт маҳсулотлари (гуштга қайта ҳисобланган ҳолда)
Қанд ва шакар
Ўсимлик ёғи
Сут маҳсулотлари (сутга қайта ҳисобланган ҳолда)
Сариёғ
Гуруч
Ун
Чой
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (картошка, пиёз, сабзи, карам ва бошқалар)
Ноозик-овқат товарлари
Хўжалик совуни
Синтетик ювиш воситалари
Пахта толали ип газламалар
Ипак газламалар
Чарм пойафзал
Музлатгичлар
Телевизорлар
Видеотехника
Магнитофонлар

Асосий озиқ-овқат ва ноозик-овқат
истеъмол товарлари балансини тузиш
бўйича услубий низомга 3-илова

Чораклик балансини ҳисоблаш чизмаси

Бўлимлар номи	Сатр хос рақа- ми	Маълумотлар манбаи ва ҳисоб қоидалари
Ҳисобот даври бошига қолдиқ	01	02+03+04
шу жумладан корхоналарда:		
улгуржи савдо	02	чораклик 3-Савдо “Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида ҳисобот”и йиғма маълумотлари, 3-устун ўртача сотиш нархига бўлинган қийматлари бўйича
чакана савдо	03	чораклик 3-Савдо “Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида ҳисобот”и йиғма маълумотлари, 6- ва 9- устунларнинг ўртача сотиш нархига бўлинган қийматлари бўйича
саноат	04	ойлик 1-П “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисоботи” йиғма маълумотлари, II бўлим, 4-устун
Ресурслар тушуми	05	06+07
Ишлаб чиқариш	06	ойлик 1-П “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисоботи” йиғма маълумотлари, II бўлим, 2-устун
Импорт	07	Божхона статистикаси маълумотлари
Жами ресурслар	08	01+05
Ишлаб чиқариш истеъмоли	09	06+07 х МОБ маълумоти асосида асосий нархларда ҳисобланган алоҳида товарлар гуруҳлари бўйича умумий фойдаланиш ҳажмидаги ишлаб чиқариш истеъмоли улуши
Экспорт	10	Божхона статистикаси маълумотлари
Ҳисобот даври охирига қолдиқ	11	12+13+14
шу жумладан корхоналарда:		
улгуржи савдо	12	02-сатр каби
чакана савдо	13	03-сатр каби
саноат	14	04-сатр каби
Ички бозорда сотиш учун мўлжалланган жами ресурслар	15	08-09-10
Баланс бўйича аҳолига сотиш	16	$R_6 = 15-11$
Амалда аҳолига сотилгани	17	$R_f =$ ўртача сотиш нархига бўлинган, барча сотиш каналлари бўйича шаклланган чакана товар айланмасига тенг

Асосий озиқ-овқат ва ноозик-овқат
истеъмол товарлари балансини тузиш
бўйича услубий низомга 4-илова

Йиллик балансни ҳисоблаш чизмаси

Бўлимлар номи	Сатр хос рақами	Маълумотлар манбаи ва ҳисоб қоидалари
Ҳисобот даври бошига қолдик	01	02+03+04
шу жумладан корхоналарда:		
улгуржи савдода	02	Йиллик шакллар йиғма маълумотлари: 3-Савдо “Товарлар сотиш ва қолдиклар тўғрисида ҳисобот”и йиғма маълумотлари, 3-устуни; 1-МБ 8-бўлим 3-устуни; 1-МБ(ВЭС) IX бўлим 3-устуни ўртача сотиш нархига бўлинган қиймати бўйича
чакана савдода	03	Йиллик шакллар йиғма маълумотлари: 3-Савдо “Товарлар сотиш ва қолдиклар тўғрисида ҳисобот” 6- ва 9-устунлар; 1-МБ 8-бўлим 6- ва 9-устунлар; 1-МБ(ВЭС) IX бўлим 6-ва 9-устунлар ўртача сотиш нархига бўлинган қиймати бўйича
саноатда	04	Йиллик I-П “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисоботи” йиғма маълумоти, III бўлим, 9-устун
Ресурслар тушуми	05	06+07
Ишлаб чиқариш	06	Йиллик I-П “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисоботи” йиғма маълумоти, I бўлим, 1-устун
Импорт	07	Божхона статистикаси маълумотлари
Жами ресурслар	08	01+05
Ишлаб чиқариш истеъмоли	09	06+07 х МОБ маълумоти асосида асосий нархларда ҳисобланган алоҳида товарлар гуруҳлари бўйича умумий фойдаланиш ҳажмидаги ишлаб чиқариш истеъмоли улуши
Экспорт	10	Божхона статистикаси маълумотлари
Ҳисобот даври охирига қолдик	11	12+13+14
шу жумладан корхоналарда:		
улгуржи савдо	12	02-сатр каби
чакана савдо	13	03-сатр каби
саноат	14	04-сатр каби
Ички бозорда сотиш учун мўлжалланган жами ресурслар	15	08-09-10
Баланс бўйича аҳолига сотиш	16	$P_6 = 15-11$
Амалда аҳолига сотилгани	17	$R_f =$ ўртача сотиш нархига бўлинган, барча сотиш каналлари бўйича шаклланган чакана товар айланмасига тенг

Асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат
истеъмол товарлари балансини тузиш
бўйича услубий низомга 5-илова

Балансинг фойдаланиш чизмаси

